

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“Ўзсаноатэкспорт” АЖ**  
Акциядорлар умумий  
йиғилишининг  
“26” июн 2023 йилдаги  
№2-сонли  
БАЁННОМАСИ

**“МАЪҚУЛЛАНГАН”**

**“Ўзсаноатэкспорт” АЖ**  
Кузатув кенгашининг  
“30” ноябр 2022 йилдаги  
№2022/10-сонли  
БАЁННОМАСИ



# Uzsanoatexport

**“Ўзсаноатэкспорт” АЖнинг**  
**2023 йил учун**

## **БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

Давлат номидан акциядор (иштирокчи,  
таъсисчи) функциясини бажарувчи  
ташкилот номи

Идоравий мансублиги

Почта манзили, е-хат манзили  
(ёки электрон почта манзили)

СТИР

Ижроия органи раҳбари

Бош бухгалтер

Инвестициялар, саноат ва савдо  
вазирлиги қошидаги “Экспортни  
рағбатлантириш агентлиги”

Инвестициялар, саноат ва савдо  
вазирлиги қошидаги “Экспортни  
рағбатлантириш агентлиги”

Тошкент шаҳар, М.Улуғбек  
тумани, Мустақиллик шох  
кўчаси, 107. info@use.uz

303 724 021

Намазов Бахтиёр Хайруллаевич

Юлдашов Элбек Дилмурадович



**Uzsanoatexport**

## Мундарижа

<b>I.</b>	<b>Корхона тўғрисида умумий маълумот</b>	<b>4-11</b>
1.1	Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар)	4
1.2	Жамият акциядорлари ва корхона паспорти	5-8
1.3	Компаниянинг ташкилий тузилмаси	8-11
<b>II.</b>	<b>Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва Молиявий кўрсаткичлар</b>	<b>12-14</b>
2.1	2022 йил якунлари бўйича Бизнес-режанинг экспорт ва импорт кўрсаткичлари бажарилиши таҳлили	12-13
2.2	2022 йил якунлари бўйича асосий молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар бажарилиши таҳлили	14
<b>III.</b>	<b>2023 йил учун режалаштирилган асосий кўрсаткичлар</b>	<b>15-25</b>
3.1	Жамиятнинг 2023 йил учун маҳсулотлар (хизмат) экспорти ва импорти прогнози кўрсаткичлари	15-17
3.2	Жамиятнинг 2022 йил якунлари ва 2023 йилда кутилаётган бухгалтерия ҳисобининг кўрсаткичлари	18-22
3.3	Жамиятнинг 2022 йил якунлари ва 2023 йилда кутилаётган молиявий натижаларнинг прогноз кўрсаткичлари	23
3.4	Соф фойдани тақсимаш	24
3.5	Корхона томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик ёрдамлари тўғрисида маълумот	24
3.6	Давлат бюджетига тўловлар	25
<b>IV.</b>	<b>“Ўзсаноатэкспорт” АЖнинг 2023 йилга мўлжалланган стратегик ривожланиш режаси</b>	<b>26-31</b>
4.1	Ташкилий ишлар, корпоратив бошқарув фаолияти	26-27
4.2	Таҳлилий ва маркетинг ишлари ва унинг натижалари асосида тизимли асосда тегишли хулосалар/тавсиялар бериш	27-28
4.3	“Ўзавтосаноат” АЖ маҳсулотларини экспорт қилиш	28
4.4	“Ўзбекенгилсаноат” АЖ корхонаси маҳсулотларини экспорт қилиш	28
4.5	Бошқа саноат тузилмалари, шу жумладан КБ ва ХТ корхоналари маҳсулотларини экспорт қилиш	28-29
4.6	Қисман “Ўзсаноатэкспорт” АЖга тегишли “Йўл хариталари” нинг амалий тадбирлар режасида назарда тутилган келишув ва чора-тадбирларни амалга ошириш	29

4.7	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш	30
4.8	Савдо ҳамкорликни кенгайтириш	30-31
4.9	Хорижда савдо уйлариининг фаолиятини самарали ташкил этиш	31
4.10	Импорт бўйича ишлар	31
<b>V.</b>	<b>Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)</b>	<b>32-34</b>
5.1	“Ўзсаноатэкспорт” АЖ фаолиятининг 2023 йилга мўлжалланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг улуши ва прогноз кўрсаткичлари	32-33
5.2	“Ўзсаноатэкспорт” АЖ фаолиятининг 2023 йилга мўлжалланган қўшимча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини улуши ва прогноз кўрсаткичлари	34
<b>VI.</b>	<b>Кузатув кенгаши аъзоларига 2023 йилда тўланадиган мукофот пулларининг прогноз кўрсаткичлари</b>	<b>35-36</b>
<b>VII.</b>	<b>Хатарлар ва муаммолар</b>	<b>36-37</b>
<b>VIII.</b>	<b>Ахборот-коммуникация технологиялари (акт) ни ривожлантириш сиёсати</b>	<b>37</b>

## I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

### 1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

#### Жамият реквизитлари:

Ташкилот номи:	<i>Акциядорлик жамияти “Ўзсаноатэкспорт”</i>
Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	<i>Акциядорлик жамияти</i>
Фаолият тури:	<i>Ташқи савдо</i>
Юридик манзил:	<i>100170, Ўзбекистон Республикаси Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 107</i>
Почта манзили:	<i>100170, Ўзбекистон Республикаси Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 107</i>
Устав капитали:	<i>75 340 302 529,0 сўм</i>
Чиқарилган акциялари:	<i>75 340 302 529,0 дона</i>
Акцияларнинг номинал қиймати	<i>1,0 сўм</i>
СТИР:	<i>303 724 021</i>
Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки:	<i>“Туронбанк” АТБ МАБ Х/р: 2021 0000 2005 7406 8001</i>

“Ўзсаноатэкспорт” АЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тузилмасини оптималлаштириш ва самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2463-сонли қарорига асосан қайта ташкил этилаётган “Uzprommashimpeks” АЖ ва “Markazsanoateksport” АЖ акциядорлик жамиятлари негизида ташкил этилган.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 апрелдаги “Ташқи савдо фаолияти иштирокчиларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-97-сонли Фармонига асосан Жамиятнинг устав капиталидаги давлат улуши бўйича акциялар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигига

ўтказилган.

## 1.2. Жамият акциядорлари

№	Акциядорлар номи	Акциялар миқдори, дона.	Улуши, %
1	“BENIF LTD” МЧЖ ҚК	2 116 558 080,0	2,8093%
2	“Farg'onaazot” АЖ	1 150 160 000,0	1,5266%
3	“O'zbekinvest Sarmoyalari” МЧЖ	1 946 970 726,0	2,5842%
4	“O'zinterimpeks” АЖ	3 266 718 080,0	4,3359%
5	“O'zmarkazimpeks” АЖ	3 266 718 080,0	4,3359%
6	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	47 091 078 748,0	62,5044%
7	Жисмоний шахслар	16 502 098 815,0	21,9034%
	<b>ЖАМИ</b>	<b>75 340 302529,0</b>	<b>100%</b>

### Акциядорлар тузилмаси



Ушбу бизнес-режа “Ўзсаноатэкспорт” АЖнинг 2023 йилга мўлжалланган молия-хўжалик фаолиятининг асосий устувор йўналишларини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва қуйидагиларга асосланган:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланишидаги ижобий тенденция, авваламбор, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулай шарт шароитлар, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятда янада фаол иштирок этишига ёрдам бериш;

- Республика экспорт салоҳиятини янада ўсишида мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда Давлат дастури доирасида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини янада ошириш;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўз маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишда хизмат кўрсатиш усулларини ҳар томонлама такомиллаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва самарасиз харажатларни камайтириш;

- Жамият фаолияти 2023 йилдаги асосий вазифалари ва стратегик йўналишлари ҳамда кутилаётган молиявий натижалар, режалаштирилган даромад манбалари ва харажатларнинг смета даражаси белгилаб берилган.

Жамиятнинг келгусидаги молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини таъминлаш, ҳамда маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар экспорт ҳажмларини ўсишига эришиш мақсадида Жамият томонидан 2023 йилда қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган:

- олий даражадаги давлат ташрифлари доирасида имзоланган икки томонлама ҳужжатларни амалга ошириш режалари (“Йўл хариталари”) билан тасдиқданган амалий чора-тадбирларнинг бажарилиши таъминлаш;

- жаҳон бозоридаги вазиятни ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулот ва хизматлари экспортини амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида турли молиявий дастаклар ва ўзаро ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланишга асосланган фаол экспорт сиёсатини амалга ошириш;

- мулкчилик шаклларида қатъий назар, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари ва хорижий компаниялар ўз маҳсулотларини истеъмол қилувчилар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида узоқ муддатли шартномалар/битимлар тузиш бўйича ишларни давом эттириш;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари номенклатурасини янада диверсификация қилиш ва экспорт географиясини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш.

## “Ўзсаноатэкспорт” АЖ ПАСПОРТИ

№	Кўрсаткичлар		Маълумотлар			
1	Асосий фаолият турлари		Ташқи савдо			
2	Код ОКЭД ва ИНН		ОКЭД: 46900 ИНН: 303 724 021			
3	Асосий хомашё тури		-			
4	Юридик манзили, тел: факс: e-mail		Тошкент шаҳар, Мустақиллик шох кўчаси, 107, info@use.uz			
5	Ижро органи раҳбари Ф.И.Ш. ва телефон рақамлари		Намазов Бахтиёр Хайруллаевич, тел. 90 969 56 67			
5а	Бош бухгалтер Ф.И.Ш. ва телефон рақамлари		Юлдошов Элбек Дилмуродович, тел. 90 044 39 91			
6	Жамият ташкил топган сана		08 январ 2016й.			
7	Кўрсаткичлар		бирлик	01.01.2022й.	01.01.2023й.	01.04.2023й.
8	Устав фонди		минг сўм	43 824 361,0	75 340 303,0	75 340 303,0
9	Акциядорлар (таъсисчилар)	Давлат улуши	%	62,5	62,5	62,5
		хўжалик бошқарув органининг улуши	%	-	-	-
		Бошқа акциядорлар (таъсисчилар)	%	-	-	-
10	Ишчилар сони	Жами	сон	37,0	27,0	28,0
		шу жумладан маъмурий бошқарув ходимлари (АУП)	сон	24,0	20,0	21,0
11	Умумий ер майдони (рўйхат бўйича)		га	-	-	-
12	Бино ва иншоотлар (рўйхат бўйича)	Ишлаб чиқаришда	кв.м.	-	-	-
		Ношлаб чиқариш	кв.м.	-	-	-
13	Соф актив		минг сўм	49 145 251,0	89 636 097,0	89 732 860,0
14	Соф фойда ёки зарар /прибыль		минг сўм	733 471,0	761 938,0	96 763,0
15	Дебитор қарздорлик	Жами	минг сўм	368 422 219,0	146 738 422,0	96 895 309,0
		шундан муддати ўтган	минг сўм	20 734 381,0	14 697 648,0	14 600 105,0
16	Кредитор қарздорлик	Жами	минг сўм	407 884 536,0	198 686 524,0	192 029 456,0
		шундан муддати ўтган	минг сўм	56 733 517,0	52 028 098,0	52 990 982,0
		бюджет олдидаги	минг сўм	192 434,0	15 502,0	29 917,0
17	Туланган дивиденд (давлат улуши бўйича) 2020 ва 2021 йил якунлари		минг сўм	1 244 125,9	343 839,0	-
18	Асосий воситаларнинг баланс қиймати		минг сўм	61 442 287,0	49 504 281,0	49 110 208,0
19	Асосий воситаларнинг эскириши коэффициентини		%	20,0	20,0	20,0
20	Жамиятнинг бугунги кундаги фаолияти:	фаолият кўрсатмоқда:	ха/йўқ	ха	ха	ха
21	Мавжуд муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари:	Муаммолар	Сабаблари			
		«Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналари олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши «Жамиятнинг» айланма маблағлари ва соф фойдасининг камайишига ҳамда корхонамизнинг ривожланишига салбий таъсир этмоқда	"Ўзсаноатэкспорт" АЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 31 декабрдаги ПҚ-2463-сонли қарорига асосан қайта ташкил этилаётган "Uzprommashimpeks" АЖ ва "Markazsanoateksport" АЖ акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.			
22	Жамият фаолиятини молиявий соғломлаштириш бўйича таклифлар					
	«Ўзкимёсаноат» АЖ корхоналари олдидаги Жамиятнинг мажбуриятларни тўлаш муддатларини узайтириш ва кечиктириш бўйича амалий ёрдам бериш					
23	Жамият жойлашган ҳудуднинг умумий кўриниши ва унга тегишли бино-иншоотларнинг фотосуратлари					
						

## **Жамиятнинг асосий йўналишлари ва фаолият доираси**

“Ўзсаноатэкспорт” АЖ фаолиятининг асосий йўналиши машинасозлик, фармацевтика, саноат, қурилиш материаллари ва бошқа саноат тузилмалари корхоналарига, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга ўз маҳсулотларини экспортга тарғиб қилишда ёрдам беришдир.


### **Компания Уставида қуйидаги фаолият турлари белгиланган:**

- ташқи савдода воситачилик хизматларини кўрсатиш;
- товарлар ва хизматлар экспорти ва импортини амалга ошириш ва кўпайтириш, республиканинг экспорт базаси ривожланишига, товарларнинг сифати ва рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашиш, амалга ошириладиган операцияларнинг самарадорлигини ошириш;
- машинасозлик, фармацевтика, нефт ва газ, металлургия, тўқимачилик, дон маҳсулотлари, кимё ва нефт кимёси саноатлари, қурилиш материаллари саноати ташкилотларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хўл ва қуруқ мева, сабзовот экспорт ва импорт қилувчи ташкилотларга уларнинг маҳсулотларини экспортлади (импортлади) молиялаштиришни амалга оширган ҳолда экспорт (импорт)га йўналтиришда кўмаклашиш;
- бозорлар тенденцияларини ўрганиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ассортиментни кенгайтириш ва маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини ошириш;
- чет элда ташкилотлар (савдо уйлари, ваколатхоналар ва корхоналар)ни ташкил этиш ва консигнация шартномалари (контрактлари) ва шартномаларнинг ўзга шакллари асосида товарларни уларнинг манзилларига ортиб жўнатилишини таъминлаш;
- тармоқ ташкилотларининг бўш турган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш учун хорижий компанияларни жалб қилиш;
- вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларга, шунингдек тадбиркорлик субъектларига чет элдан товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилишда кўмаклашиш;
- маҳаллий ва хориждаги юридик ва жисмоний шахсларга воситачилик, транспорт, суғурта, консалтинг, лизинг, маркетинг, молиялаштириш, дистрибютерлик, агентлик ва дилерлик хизматларини кўрсатиш ва бошқалар.

### **1.3. Компаниянинг ташкилий тузилмаси**

Жамиятнинг ижро органининг амалдаги ташкилий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзсаноатэкспорт” АЖ самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-3220 - сонли Қарори ва Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг 2022 йил 30 июндаги 2-сон Қарори билан тасдиқланган.

## "ЎЗСАНОАТЭКСПОРТ" АЖНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Умумий сони - 45 та.

жумладан: Маъмурий ва бошқарув ходимлари - 24 штат бирлик.



Uzsanoatexport

## Жамиятнинг бошқарув органлари

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади ва йилига камида бир марта йиғилади. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш;
- Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини ва келгуси 5 йил учун ривожланиш стратегиясини, йиллик ҳисоботларни, балансларини, Жамият фойда ва зарарлар ҳисобларини тасдиқлаш;
- фойда тақсимоти ва бошқалар.

Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни кўриб чиқиш Жамиятнинг ижро органига юклатилиши мумкин эмас.

**Кузатув кенгаши** - Жамият фаолиятини умумий бошқаришни таъминлайди. Кузатув кенгаши ваколатларига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлаш;
- Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишлари кун тартибини тайёрлаш ва чақириш;
- Жамият мулкнинг бозор қийматини аниқлаш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини олдиндан мақуллаш;
- ички аудит хизматини яратиш ва унинг ходимларини тайинлаш;
- акциядорларга бериладиган дивидент миқдори бўйича тавсиялар тайёрлаш;
- Жамиятнинг захира ва бошқа маблағларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ва филиалларини ташкил этиш ва бошқа масалалар.

Кузатув Кенгаши ваколатига тегишли масалалар филиал Ижро органига кўриб чиқиш учун тақдим қилиниши мумкин эмас.

Жамият Уставига кўра, Кузатув кенгаши 5 (беш) кишидан иборат.

**Ижро органи** - бу Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқарадиган **бошқарув** кенгаши ҳисобланади. Жамиятнинг ягона ижро этувчи органи (бошқарув раиси) ишончномасиз жамият номидан иш юритади, унинг манфаатларини ифодалайди ва Жамият номидан битимлар тузади, штат жадвалини тасдиқлайди, буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Жамиятнинг Ижро органи акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади.

Жамиятнинг Бошқарув кенгаши 5 (беш) кишидан иборат.

### Кузатув кенгашининг амалдаги таркиби

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Улуши
1.	Мурадов Улугбек Хашимджанович	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги директори	-
2.	Каимбаев Фахриддин Фазилжанович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Инспектсия бошлигининг ўринбосари	-
3.	Бобоев Холмурод Умрузоқович	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги Молия-иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи	-
4.	Курбонов Шахзоджон Курбон угли	Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи;	-
5.	Каршиев Данияр Эшпулатович	Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Молия ва солиқлар” кафедраси катта ўқитувчиси (мустақил аъзо).	-

### Амалдаги бошқарув аъзолари

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Улуши
1.	Намазов Бахтиёр Хайруллаевич	“Ўзсаноатэкспорт” АЖ бошқарув раиси в.б.	-
2.	Юлдашов Элбек Дилмурадович	Режалаштириш ва молия бўйича директори в.б.	-
3.	Вакант	Экспорт ва маркетинг бўйича директор в.б.	-
4.	Исламов Турғун Адхамович	Стратегик режалаштириш ва акциядорлар билан корпоратив алоқалар бўлими бошлиғи	-
5.	Исмаилов Шахзод Акрамджанович	Юридик хизмат бошлиғи.	-

## II. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва Молиявий кўрсаткичлар

### 2.1. 2022 йил якунлари бўйича Бизнес-режанинг экспорт ва импорт кўрсаткичлари бажарилиши

“Ўзсаноатэкспорт” АЖнинг асосий даромад манбаи экспорт-импорт операциялари ва уларга кўрсатилган хизматлар учун олинган воситачилик тўловлари, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисобланади.

#### I. 2022 йил якуни бўйича товарлар ва хизматлар экспортининг прогноз параметрларининг бажарилиши.

Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган Бизнес-режаси Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг 2022 йил 30 июндаги 2-сонли Баённомаси билан тасдиқланган.

Бизнес-режага мувофиқ Жамиятнинг 2022 йилга режалаштирилган товарлар ва хизматлар экспорти прогноз кўрсаткичи **36 540,7** минг долларни ташкил этади.

Амалда йил якунлари бўйича товарлар ва хизматлар экспорт кўрсаткичи жами **18 486,3** минг долларни ёки Бизнес-режага нисбатан **50,59** фоизини ташкил қилди, шу жумладан:

(минг доллар)

Корхоналар, товарлар ва хизматлар	Бизнес-режа	Амалда	Бажарилиши % да
“Ўзавтосаноат” АК	13 500,00	6 817,80	50,50
Қишлоқ хўжалиги техникалари	13 500,00	6 817,80	50,50
“Ўзбекенгилсаноат” АЖ	21 354,00	10 308,40	48,27
Ип-калава	20 854,00	10 308,40	49,43
Тайёр текстил маҳсулотлари	500,00	-	-
<b>КБ ва ХК субъектларининг маҳсулотлари, жами, шу жумладан:</b>	<b>1 686,70</b>	<b>1 360,10</b>	<b>80,64</b>
<i>Мева ва сабзовотлар</i>		52,40	
<i>Пиёз</i>		182,66	
<i>Шафтоли</i>		163,67	
<i>Хурмо</i>		201,96	
<i>Майиз</i>		83,50	
<i>Қуртилган олхўри</i>		2,69	
<i>Дуккакли маҳсулотлар</i>		22,32	
<i>Қуртилган сариқ узум</i>		7,18	
<i>Ўрик</i>		3,50	
<i>Тозаланган ва тозаланмаган ер ёнгоқ</i>		7,00	
<i>Шакарли бодом</i>		2,25	
<i>Ноҳот</i>		0,27	
<i>Турли озиқ овқат маҳсулотлари</i>		5,65	
<i>Анор</i>		145,95	
<i>Узум</i>		31,80	
<i>Экстракт и корни солодки</i>		423,20	
<i>Лимон</i>		19,80	
<i>Лавлаги уруғлари</i>		4,30	
<b>Жами экспорт:</b>	<b>36 540,70</b>	<b>18 486,30</b>	<b>50,59</b>

### **Қишлоқ хўжалиги техникасини экспорт қилиш бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги № ПҚ-7-сонли “Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, “Ўзсаноатэкспорт” АЖ Туркменистонга етказиб бериши лозим бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланган “Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ ва “Агрегат заводи” АЖлар Чирчиқ шаҳрида янги ташкил этилган “Тошкент трактор завод” МЧЖга қайта ташкил этиш йўли билан бирлаштирилди (кўчириб ўтказилди).

Натижада, “Тошкент трактор завод” МЧЖни бўш ишлаб чиқариш майдонларига корхоналарнинг қувватларини босқичма-босқич кўчириш ва жойлаштириш бўйича ишлар олиб борилганлиги сабабли заводлардаги ишлаб чиқариш жараёнларида узулишлар вужудга келди, бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш графикларида қолоқлик вужудга келишига олиб келди.

### **Қалава ипларини экспорт қилиш бўйича:**

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) анъанавий иқтисодий ва молиявий хатарлар билан бир қаторда (пул-кредит сиёсатини кучайтириш, Хитойда иқтисодий ўсишни секинлаштириш, энергия нархларининг кўтарилиши ва бошқалар.) Россия ва Украинадаги махсус операцияси натижасида жаҳон иқтисодиёти ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Юқоридаги омиллар қалава ипларини экспорт қилишда асосий ҳамкор бўлиб келаётган Хитой томонидан сотиб олиш фаоллигининг пасайишига таъсир қилди.

Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тузилган шарномалардаги ўз мажбуриятларини бажарилмаслиги салбий омил бўлиб қолмоқда.

Натижада, ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан маҳсулотларни ўз вақтида ишлаб чиқариш ва экспортга йўналтириш бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаслиги ортидан “Ўзсаноатэкспорт” АЖ обрўсига ишончсиз шерик сифатида салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, газлама маҳсулотлари, момик маҳсулотлар, қалава ипларини Беларус Республикасига, Россия Федерациясига экспорт қилишни йўлга қўйиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

### **ҚБ ва ХТ субъектлари маҳсулотларини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3351-сонли Фармонига мувофиқ, устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар олдиндан тўлов амалга оширилганда ёки суғурта ташкилотлари томонидан суғурта полислари тақдим этилган ҳолларда товар ва маҳсулотларни экспорт қилишларига руҳсат берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 апрелдаги ПҚ-97-сонли Қарори билан юқоридаги Фармонга ўзгартириш ва қўшимчалар

киритилди, унга кўра устав капиталида давлат улуши бир фоиздан ортиқ бўлган корхоналарга олдиндан тўлов амалга оширилган ёки суғурта қилинган ҳолларда товарлар ва маҳсулотларни экспорт қилиш ҳуқуқи берилди. Мазкур Қарор жамият экспорт фаолиятига ижобий таъсир қилди.

Шу билан бирга 2022 йил баҳор ойлари совуқ келганлиги сабабли ўрик, гилос ва бир қатор меваларнинг ҳосилдорлиги кутилгандан 70-80 фоизга кам бўлган, бу эса ўз навбатида режалаштирилган миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга йўналтириш имкониятларини қисқартирди.

Бундан ташқари, экспорт шартномалари асосида Россия Федерациясига юборилган маҳсулотлар учун хорижий хамкорларимиз тарафидан ўз вақтида тўловлар амалга оширилмади, бу эса жамият айланма маблағлари айланмасига жиддий таъсир кўрсатди.

Жамиятнинг КБ ва ХТ субъектлари маҳсулотларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини ошириш мақсадида экспортдан олдинги молиялаштириш сифатида молиявий воситадан фойдаланилди.

Ҳисобот даврида Жамиятни экспортдан олдинги молиялаштиришнинг умумий ҳажми - 3,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Натижада КБ ва ХТ субъектлари маҳсулотларини жами 1,3 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт қилишга эришилди.

Жамият томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари экспорти ҳажмининг янада ўсиши таъминлаш, корхоналарга ўз маҳсулотларини/хизматларини ташқи бозорларга олиб чиқишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, экспорт номенклатураси ва географиясини кенгайтириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

2022 йилда 30 дан ортиқ саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дунёнинг 10 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилишга эришилди.

## **II. 2022 йил якуни бўйича импорт кўрсаткичи бажарилиши.**

Жамият томонидан 2022 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси “Қурилиш бирлашмаси” ДУК, Президент Администрацияси транспорт қисми (гараж) ва Президент Администрацияси Қурилиш уюшмаси, шунингдек, Республика давлат идоралари ва корхоналари учун давлат дастурларида назарда тутилган товарларни олиб кириш ишлари амалга оширилди.

Жамиятнинг Бизнес-режасига асосан 2022 йил якуни бўйича умумий қиймати 36 282,5 минг долларлик маҳсулот импорт қилиниши режалаштирилган. Амалда 41 474,20 минг долларига тенг маҳсулот ва хизматлар импорти амалга оширилди. Бизнес-режа кўрсаткичи 114,3 фоизга бажарилди.

2022 йилда “Ўзсаноатэкспорт” АЖ бошқаруви томонидан меҳнат ва ишлаш интизомларини янада мустаҳкамлаш, якуний натижаларга эришишда компаниянинг ҳар бир ходимининг масъулиятини ошириш ва бизнес-режада белгиланган экспорт кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш чоралари кўрилди.

## 2.2. 2022 йил якунлари бўйича асосий молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили

КЎРСАТКИЧЛАР	2022 йил Бизнес- режа млн.сўм	2022 йил якуни млн.сўм	Бажарилиши % да
<b>Ялпи даромад, шу жумладан: (млн.сўм)</b>	<b>15 187,95</b>	<b>113 323,33</b>	<b>746,14</b>
- маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушим	9 102,59	101 880,03	1 119,24
- асосий фаолиятдан бошқа даромад	69,60	150,75	216,59
- молиявий фаолиятдан олинган даромад	6 015,76	11 292,55	187,72
<b>Умумий харажатлар, шу жумладан: (минг.сўм)</b>	<b>14 277,64</b>	<b>112 380,15</b>	<b>787,11</b>
- сотилган маҳсулотлар таннархи	1 427,62	95 720,19	6 704,86
- давр харажатлари	8 584,46	8 957,61	104,35
- молиявий фаолият билан боғлиқ харажатлар	4 265,56	7 702,35	180,57
Солиқлар тўлашдан олдинги фойда	840,71	943,19	112,19
Солиқлар ва бошқа йиғимлар	167,16	181,22	64,22
<b>Соф фойда, (млн.сўм)</b>	<b>673,54</b>	<b>761,97</b>	<b>113,13</b>
<b>Рентабеллик, % (жами даромадга нисбатан)</b>	<b>4,43</b>	<b>0,67</b>	
<b>Рентабеллик, % (соф даромадга нисбатан)</b>	<b>7,40</b>	<b>0,75</b>	

Маҳсулот (товарлар ва хизматлар) сотишдан олинган соф тушуми 101 880,03 млн.сўмни ташкил қилди, бу эса режага нисбатан 1 119,24% ни ташкил этади.

Соф фойда кўрсаткичи 761,97 млн.сўмни ташкил этиб, Бизнес-режада кўзда тутилган кўрсаткич яъни 673,6 млн.сўмга нисбатан 113,13% га бажарилган.

Импорт ҳажмининг ўсиши, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини Жамият томонидан сотиб олиш ва харид қилиш орқали экспорт қилиш кўрсаткичининг кескин ўсишига олиб келди ва сотилган маҳсулот таннархи 95 720,31 млн.сўмни ташкил қилди.

Жамият харажатлари режалаштирилган 14 277,64 млн.сўмдан 112 380,15 млн.сўмгача ошди ва сотилган маҳсулот таннархининг солиштирма оғирлиги умумий харажатларнинг 89,4% ни ташкил қилди.

Ҳисобот даври бошида дебиторлик қарздорлик 368 422,21 млн.сўмни ташкил этган бўлса, кўрсаткич 221 683,79 млн.сўмга камайтирилди ва 146 738,42 млн.сўмни ташкил этмоқда, шу жумладан муддати ўтган қарздорлик 14 697,64 млн.сўмни ташкил қилди.

Кредиторлик қарздорлик кўрсаткичи 407 884,53 млн.сўмдан 209 198,01 млн.сўмга камайиб 198 686,52 млн.сўмни ташкил қилди, шу жумладан муддати ўтган қарздорлик 52 028,09 млн.сўмни (қарзнинг асосий қисми “Ўзкимёсаноат” АЖнинг корхоналари олдидаги ворислик натижасида ўтган қарздорлик) ташкил қилди.

2022 йил мобайнида Жамият “Ўзкимёсаноат” АЖ корхоналари олдидаги қарздорликни сўндириш мақсадида жами 600,02 минг доллари миқдорида маблағлар тўлаб берилди. Натижада, 01.01.2023 йил ҳолатига жами қарздорлик қолдиғи 4,63 млн. долларини ташкил қилади.

### **2022 йил якунлари бўйича фаолият самарадорлигини баҳолаш тўғрисида.**

Ушбу бўлимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги 207-сон қарори билан тасдиқланган низоми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775-сон қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Жамият ижроия органи фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари режалари белгиланган.

Жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун иккита кўрсаткич гуруҳидан фойдаланилади, булар асосий ва кўшимча СМК кўрсаткичларидир.

“Ўзсаноатэкспорт” АЖ фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги Низом асосида 2022 йил учун асосий ва кўшимча СМКларнинг прогноз қийматлари ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият акциядорлари умумий йиғилишининг 2022 йил 30 июндаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган.

### **“Ўзсаноатэкспорт” АЖ фаолиятининг 2022 йилдаги самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг ҳисоботи**

№	Кўрсаткичлар	Улуши	Прогноз қиймати	Ҳақиқий қиймати	Бажарилиши, % да	СМК
1	Соф тушум прогнозининг бажарилиши (минг сўм)	15,0	9 102 589,0	101 880 034,0	1 119,2	167,9
2	Соф фойда (зарар) прогнозининг бажарилаши (минг сўм)	30,0	673 549,4	761 938,0	113,1	33,9
3	Активлар рентабеллиги (%)	15,0	0,05	0,002	4,5	0,67
4	Тўлов қобилияти коэффициенти	10,0	1,25	1,21	96,6	9,7
5	Молиявий мустақиллик коэффициенти	10,0	1,0	0,45	45,1	4,5
6	Экспорт параметрларнинг бажарилиши (белгиланган топшириқга нисбатан, %)	20,0	36 540,7	18 486,3	50,6	10,1
<b>Жами:</b>		<b>100,0</b>				<b>226,79</b>

**“Ўзсаноатэкспорт” АЖ фаолиятининг 2022 йилдаги қўшимча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг ҳисоботи**

<b>№</b>	<b>КЎРСАТКИЧЛАР</b>	<b>Улуш и</b>	<b>Прогноз қиймат и</b>	<b>Ҳақиқий қиймати</b>	<b>Бажари- лиши, %</b>	<b>СМК</b>
1	Абсолют ликвидлик Кoeffициенти	25	0,20	0,127	63,59	15,90
2	Кредитор қарздорликнинг кунлик айланмаси	3	365,0	890,75	30,648	0,92
3	Дебитор қарздорликни кунлик айланмаси	3	365,0	741,84	36,80	1,104
4	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти	4	0,34	0,68	50,285	2,001
5	Меҳнат унумдорлиги	40	246 016,0	2 753 514,43	1 119,242	447,7
6	Фонд қайтими	15	17,94	205,543	1 145,62	171,84
7	Ходимларнинг қўнимсизлиги коэффициенти	10	1,00	1,00	100,0	10,00
<b>Жами:</b>		<b>100,0</b>				<b>643,65</b>

Жамиятнинг 2022 йил молиявий-иқтисодий фаолият натижаларига кўра самарадорликнинг асосий кўрсаткичи 226,79%, қўшимча кўрсаткичи эса - 643,65% ва интеграл самарадорлик коэффициенти - 435,22% ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Акциядорлик жамиятлари ва давлат улушига эга бўлган бошқа хўжалик юритувчи субектларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ИСК 435,22 фоизи “**юқори**” деб баҳоланади.

### **III. 2023 ЙИЛ УЧУН РЕЖАЛАШТИРИЛГАН АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР**

2023 йилда Жамият томонидан давлат ташрифлари давомида имзоланган икки томонлама ҳаракатлар режалари (“Йўл хариталари”) билан тасдиқланган кўрсаткичларни бажарилишини таъминлашни ва экспорт ҳажмини янада ошириш мақсадида товатлар номенклатурасини кенгайтириш экспорт географиясини ошириш, шунингдек экспортни диверсификация қилиш ва унда юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар улушини ошириш режалаштирилмоқда.

Юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2023 йилда жами ташқи савдо айланмасини 28,6 млн.долларга етказиш, бунда товар ва хизматлар экспорт ҳажми 22,3 млн.долларни, импорт ҳажми эса 6,2 млн.долларни ташкил этмоқда.

#### **Режалаштирилаётган маҳсулотлар экспорти таркиби:**

- қишлоқ хўжалиги техникаси - 7,3 млн.доллар;
- тўқимачилик саноати маҳсулотлари - 13,0 млн.доллар;
- қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари маҳсулотлари - 2,0 млн.доллар.

Шу билан бирга, ташқи бозорлар шароитлари ва жаҳон бозорларидаги маҳсулот ва хизматларга бўлган баҳоларнинг ривожланиш тенденциясини ҳисобга олган ҳолда Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Покистон, Украина, Белоруссия ва Европа мамлакатларининг йирик компаниялари билан ўзаро манфаатли шерикликларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Алоҳида такидлаш лозимки, ҳозирги кундаги жаҳонда юз бераётган сиёсий вазиятлар ҳамад турли хилдаги иқтисодий санкцияладан келиб чиққан ҳолда Жамият томонидан бир неча йиллардан бери экспорт қилиб келинаётган айрим товарлар экспорти Жамиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда тўхтатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 апрелдаги “Ташқи савдо фаолияти иштирокчиларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-97-сон Фармонида асосан “Ўзтрейд” ва “Ўзсаноатэкспорт” акциядорлик жамиятларига ташқи савдо компанияларини айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадида Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 10 миллион АҚШ доллар маблағ ажратилиши белгиланган.

Бундан ташқари, ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 2022 йил 3 ноябрдаги 91-сон баёни Қарорига асосан, Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 10 миллион АҚШ доллар Жамиятни айланма маблағлар билан таъминлаш учун ажратилиши ва мазкур маблағлар ҳисобидан полипропилен ва формалин хом-ашё маҳсулотларини импорт қилиш ва биржа савдоларига чиқариш чораларини кўриш белгиланган.

Шу муносабат билан, полипропилен ҳамда жуд хом ашёсини импорт қилиш бўйича Россиянинг “СИБУР Холдинг” ва “НИКА” компаниялари, Туркиянинг “Montes Dis Ticaret Ltd. Sti” компанияси, Саудия Арабистонининг “Al Waha Petrochemical Company” компанияси ҳамда Бангладешнинг “Janata Jute Mills Limited” ва “Teamex Jute Mills Ltd” компаниялари музокаралар ўтказилиб, тегишли шартномалар имзоланди.

### **Полипропилен бўйича:**

Россиянинг “СИБУР Холдинг” компанияси билан тузилган шартномага асосан 2023 йил 28 май ҳолатига жами 2,4 млн.долларлик 2 020 тонна PP H 253 GP - маркали полипропилен хомашёсини импорт қилинди. Ушбу олиб келинган полипропилен хомашёси тўғридан-тўғри гилам ишлаб чиқарувчиларга топширилган.

Шу билан бирга, бугунги кунда 454 тонна маҳсулотга олдиндан тўлов сифатида жами 535,7 минг долларлик тўловлар амалга оширилган.

Шунингдек, Россиянинг “ЛУКОЙЛ” компаниясининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйича дистрибютери ҳисобланган “НИКА” корхонаси билан жами 227,7 минг долларлик шартномалар имзоланган.

Мазкур шартномага асосан “Ўзсаноатэкспорт” АЖ ўз маблағлари ҳисобидан 189 тонна PPG1250-20-маркали полипропилен хомашёси харид қилиниб, биржа савдолари орқали маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга сотилди.

Бундан ташқари, Туркиянинг “Montes Dis Ticaret Ltd. Sti” компанияси билан тузилган шартномага асосан 400 тонна ҳар бир тоннаси 1 200 долларлик жами 480,0 минг доллар бўлган полипропилен хомашёси импорт қилинди ва гилам ишлаб чиқарувчиларга етказиб берилди.

Шунингдек, Саудия Арабистонининг “Al Waha Petrochemical Company” корхонасининг PP-PPH FIBER-HP 551-R маркали полипропилен маҳсулотини етказиб бериш бўйича Туркиянинг “Plastmar Plastik Ve Kimya Sanayi Ve Dis Tigaret A.S.” компанияси билан импорт шартномаси тузилди.

Ушбу шартномага асосан бугунги кунда жами 123,7 тонна PP-PPH FIBER-HP 551-R - маркали полипропилен хомашёсини жами 150,9 минг долларга импорт қилинди.

Мазкур маҳсулотни Ўзбекистон товар ҳомашё биржаси орқали сотиш ишлари амалга оширилмоқда.

Хом-ашёларни импорт қилиш Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан молиялаштирилмоқда.

### **Жуд бўйича:**

Жуд маҳсулотини Ўзбекистонга етказиб бериш бўйича Бангладешнинг “Janata Jute Mills Limited” компанияси билан музокаралар олиб борилди ва тегишли шартномалар имзоланди.

Унга асосан CIF Бандар-Аббас (Эрон) етказиб бериш шarti бўйича маҳсулотнинг маркаларига кўра нархи 1 050 - 1 100 долларни ташкил этади. Маҳсулотни темир йўл орқали Хўжадават постига (Бухоро вилояти) етказиб бериш ҳаражати 150 долларни ташкил этади.

Шунингдек, Бангладешнинг “Teamex Jute Mills Ltd” компанияси билан музокаралар олиб борилди ва жуд маҳсулотини Ўзбекистонга етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди.

Унга асосан СІФ Бандар-Аббас (Эрон) етказиб бериш шarti бўйича маҳсулотнинг маркаларига кўра нархи 1 050 - 1 100 долларни ташкил этади. Маҳсулотни темир йўл орқали Хўжадавлат постига (Бухоро вилояти) етказиб бериш ҳаражати 150 долларни ташкил этади.

Жуд хомашёсига бугунги кунда гилам, электротехника маҳсулотлар ва мебель ишлаб чиқарувчиларнинг буюртмалари асосида етказиб бериш чоралари кўриб борилади.

### 3.1. Жамиятнинг 2023 йил учун маҳсулотлар (хизмат) экпорти ва импорти прогнози кўрсаткичлари

(минг доллар)

Корхоналар кесимида маҳсулотлар ва хизматлар номи	Режа 2022 йил	Факт 2022 йил	Ўсиш, %	Режа 2023 йил	шу жумладан чораклар бўйича:			
					ФАКТ I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
<b>“Ўзавтосаноат” АЖ</b>	<b>13 500,0</b>	<b>6 817,8</b>	<b>50,5</b>	<b>7 300,0</b>	<b>1 300,0</b>	<b>2 000,0</b>	<b>3 000,0</b>	<b>1 000,0</b>
Қишлоқ хўжалиги техникалари	13 500,0	6 817,8	50,5	7 300,0	1 300,0	2 000,0	3 000,0	1 000,0
<b>“Ўзбекенгилсаноат” АЖ</b>	<b>21 354,0</b>	<b>10 308,4</b>	<b>48,3</b>	<b>13 000,0</b>	-	<b>3 000,0</b>	<b>5 000,0</b>	<b>5 000,0</b>
Ип калава	20 854,0	10 308,4	49,4	13 000,0		3 000,0	5 000,0	5 000,0
Тайёр тўқимачилик маҳсулотлари	500,0	-	-	-	-	-	-	-
<b>Қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари маҳсулотлари</b>	<b>1 686,7</b>	<b>1 360,1</b>	<b>80,6</b>	<b>2 038,4</b>	<b>38,4</b>	<b>500,0</b>	<b>800,0</b>	<b>700,0</b>
<b>Жами Экспорт</b>	<b>36 540,7</b>	<b>18 486,3</b>	<b>50,6</b>	<b>22 338,4</b>	<b>1 338,4</b>	<b>5 500,0</b>	<b>8 800,0</b>	<b>6 700,0</b>
Импорт	36 282,5	41 474,2	114,3	<b>6 281,4</b>	281,4	2 000,0	2 000,0	2 000,0
<b>Жами Импорт</b>	<b>36 282,5</b>	<b>41 474,2</b>	<b>114,3</b>	<b>6 281,4</b>	<b>281,4</b>	<b>2 000,0</b>	<b>2 000,0</b>	<b>2 000,0</b>
<b>Жами товар айланмаси</b>	<b>72 823,2</b>	<b>59 960,5</b>	<b>82,3</b>	<b>28 619,8</b>	<b>1 619,8</b>	<b>7 500,0</b>	<b>10 800,0</b>	<b>8 700,0</b>

### 3.2. Жамиятнинг 2022 йил якунлари ва 2023 йилда кутилаётган бухгалтерия ҳисобининг кўрсаткичлари

(минг сўм)

Кўрсаткичнинг номи	Сатр коди	01.01.2022й. Факт	01.01.2023й. Факт	01.04.2023й. Факт	01.07.2023й.	01.10.2023й.	01.01.2024й.
<b>Актив. I. Узоқ муддатли активлар</b>							
<b>Асосий воситалар:</b>							
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	10	1 029 669	1 291 909	1 291 909	1 291 909	1 291 909	1 291 909
Эскириш суммаси (0200)	11	453 299	876 953	909 750	919 407	928 785	948 163
қолдиқ (баланс) қиймати 010-011	12	576 370	414 956	382 159	372 502	363 124	343 746
<b>Номоддий активлар:</b>							
бошланғич қиймати (0400)	20	7 652 040	7 652 040	7 652 040			
Амортизация суммаси (0500)	21						
қолдиқ (баланс) қиймати 020-021	22	7 652 040	7 652 040	7 652 040			
<b>Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080), жумладан:</b>	<b>30</b>	<b>46 923 969</b>	<b>18 359 065</b>	<b>18 359 065</b>	<b>19 064 206</b>	<b>19 064 206</b>	<b>19 064 206</b>
Қимматли қоғозлар (0610)	40	46 705 808	10 966 277	10 966 277	10 966 277	10 966 277	10 966 277
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	50						
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	60		4982048	4 982 048	4 972 101	4 972 101	4 972 101
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	70	218 161	333 365	333 365	1 038 453	1 038 453	1 038 453
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	80		2 077 375	2 077 375	2 087 375	2 087 375	2 087 375
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	90						
Капитал қўйилмалар (0800)	100						
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930,40)	110	6 289 908	23 078 220	22 716 944	15 517 394	14 517 394	14 517 169
шундан: муддати ўтган	111						
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)	120						
<b>I бўлим бўйича жами (сатр. 012+022+030+090+100+110+120)</b>	<b>130</b>	<b>61 442 287,0</b>	<b>49 504 281,0</b>	<b>49 110 208,0</b>	<b>34 954 102,0</b>	<b>33 944 724,0</b>	<b>33 925 121,00</b>
<b>II. Жорий активлар</b>							
<b>Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180), жумладан:</b>	<b>140</b>	<b>1 168 774</b>	<b>2 057 599</b>	<b>3 622 639</b>	<b>5 388 944</b>	<b>1 124 372</b>	<b>1 124 372</b>
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	80 566	44 245	45 576	100 736	36 164	36 164
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160						

Тайёр маҳсулотлар (2800)	170						
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180	1 088 208	2 013 354	3 577 063	5 288 208	1 088 208	1 088 208
Келгуси давр харажатлари (3100)	190	1 253 649	38 620 150	38 620 137	38 615 494	32 423 958	32 423 958
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200	29 069 934	24 317 902	26 071 308	26 952 112	25 932 133	23 952 985
<b>Дебиторлар, жами (сах. 220+240+250+260+270+280+290+300+310)</b>	<b>210</b>	<b>368 422 219</b>	<b>146 738 422</b>	<b>96 895 309</b>	<b>138 916 568</b>	<b>107 957 303</b>	<b>69 158 056</b>
шундан: муддати ўтган	211	20 734 381	14 697 648	14 600 105	13 568 660	11 955 236	11 115 886
Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (4000 минус 4900)	220	9 065 969	96 230 545	59 129 772	59 058 209	35 693 690	3 120 695
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230						
Шўба ва қарам тадбиркорлик субъектларининг қарзлари (4120)	240						
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250	493 242	633 477	63 072	58 225	42 558	25 442
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260	336 821 402	35 020 687	22 832 501	65 130 520	55 562 955	49 353 819
Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	162 644	98 459	58 815	25 162	15 200	15 200
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280	55			11 552	10 000	10 000
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290						
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	78 014	40 120	30 247			
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	21 800 893	14 715 134	14 780 902	14 632 900	16 632 900	16 632 900
<b>Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шундан:</b>	<b>320</b>	<b>77 150 675</b>	<b>15 737 210</b>	<b>86 031 611</b>	<b>6 415 200</b>	<b>1 720 655</b>	<b>631 200</b>
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330						
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	72 885 705	15 477 833	7 638 273	4 632 551	1 200 655	631 200
Чег эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	4 261 611	253 949	78 376 923	1 782 649	520 000	
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	3 359	5 428	16 415			
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370	12 437 162	12 554 017	12 630 240	12 626 411	12 626 411	12 626 411
Бошқа жорий активлар (5900)	380						
<b>II бўлим бўйича жами (сатр. 140+190+200+210+320+370+380)</b>	<b>390</b>	<b>489 502 413</b>	<b>240 025 300</b>	<b>263 871 244</b>	<b>228 914 729</b>	<b>181 784 832</b>	<b>139 916 982</b>
<b>Баланс активи бўйича жами (сатр.130+сатр.390)</b>	<b>400</b>	<b>550 944 700</b>	<b>289 529 581</b>	<b>312 981 452</b>	<b>263 868 831</b>	<b>215 729 556</b>	<b>173 842 103</b>
<b>Пассив. I. Уз маблағлари манбалари / I. Источники собственных средств</b>							
Устав капитали (8300)	410	43 824 361	75 340 303	75 340 303	75 340 302	75 340 302	75 340 302
Қўшилган капитал (8400)	420						
Резерв капитали (8500)	430	1 069 919	7 342 319	7 342 319	7 342 318	7 342 318	7 342 318
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440						

Таксимланмаган фойда (копланмаган зарар) (8700)	450	-2 061 904	6 953 475	7 050 238	7 304 283	387 533	838 098
Мақсадли тушумлар (8800)	460	6 312 875					
Келгуси харажатлар ва тўловлар учун захиралар (8900)	470						
<b>I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430-440+450+460+470)</b>	<b>480</b>	<b>49 145 251</b>	<b>89 636 097</b>	<b>89 732 860</b>	<b>89 986 903</b>	<b>83 070 153</b>	<b>83 520 718</b>
<b>II. Мажбуриятлар</b>							
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (Сатр.500+510+520+530+540+550+560+570+580+590)	490	<b>93 908 163</b>	<b>1 200 210</b>	<b>1 200 210</b>	<b>0</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590)	491						
шундан: муддати ўтган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари	492						
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000)	500						
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510						
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520						
Узоқ муддатли кечиктирилган даромад (7210, 7220, 7230)	530						
Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)	540						
Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)	550						
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар (7300)	560						
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570						
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	580						
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900)	590	93 908 163	1 200 210	1 200 210			
<b>Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+620+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760)</b>	<b>600</b>	<b>407 891 286</b>	<b>198 693 274</b>	<b>222 048 382</b>	<b>173 881 928</b>	<b>132 659 403</b>	<b>90 321 385</b>
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+ +700+710+720+760)	601	<b>407 884 536</b>	<b>198 686 524</b>	<b>192 029 456</b>	<b>138 087 196</b>	<b>96 864 671</b>	<b>90 314 635</b>
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари*	602	56 733 517	52 028 098	52 990 982	49 874 442	45 552 748	40 552 748
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	3 436 674	92 629 208	93 798 993	49 724 632	13 408 140	12 778 398
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	620						
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630						
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640						

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650						
Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	660						
Олинган бўнақлар (6300)	670	332 734 929	53 835 325	44 885 277	36 247 679	31 804 343	29 889 663
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	192 434	15 502	29 917	82 200	82 200	82 200
Сугурталар бўйича қарз (6510)	690		78 433	66 603			
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз	700						
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710		36 982	35 007			
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	3 672	58 389	194 889			
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730						
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740	6 750	6 750	30 018 926	35 794 732	35 794 732	6 750
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750						
Бошқа кредиторлик қарзлар (6900 кроме 6950)	760	71 516 827	52 032 685	53 018 770	52 032 685	51 569 988	47 564 374
<b>II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)</b>	<b>770</b>	<b>501 799 449</b>	<b>199 893 484</b>	<b>223 248 592</b>	<b>173 881 928</b>	<b>132 659 403</b>	<b>90 321 385</b>
<b>Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770)</b>	<b>780</b>	<b>550 944 700</b>	<b>289 529 581</b>	<b>312 981 452</b>	<b>263 868 831</b>	<b>215 729 556</b>	<b>173 842 103</b>

### 2023 йилда муоммоли дебиторлик қарздорликни камайтириш режаси

(минг сўм)

	01.01.2023й. Факт	01.04.2023й. Факт	01.07.2023й.	01.10.2023й.	01.01.2024й.
Дебиторлик қарзлари (ҳисобот даври бошида)	146 738 422,0	146 738 422,0	96 895 309,0	138 916 568,0	107 957 303,0
Режалаштирилган камайтириш миқдори		49 843 113,0	- 42 021 259,0	30 959 265,0	38 799 247,0
Давр охиридаги прогноз (режалаштирилган) қиймати		96 895 309,0	138 916 568,0	107 957 303,0	69 158 056,0

### 3.3. Жамиятнинг 2022 йил якунлари ва 2023 йилда кутилаётган молиявий натижаларнинг прогноз кўрсаткичлари

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	01.01.2022й. Факт	01.01.2023й. Факт	01.04.2023й. Факт	01.07.2023й.	01.10.2023й.	01.01.2024й.
<i>I</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>	<i>9</i>
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	10	153 078 055	101 880 034	2 123 430	39 605 005	63 375 505	68 937 293
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	20	146 028 215	95 720 188	1 066 820	36 206 820	58 906 820	62 911 020
<b>Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)</b>	<b>30</b>	<b>7 049 840</b>	<b>6 159 846</b>	<b>1 056 610</b>	<b>3 398 185</b>	<b>4 468 685</b>	<b>6 026 273</b>
<b>Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080), шу жумладан:</b>	<b>40</b>	<b>8 865 753</b>	<b>8 957 611</b>	<b>1 535 026</b>	<b>3 923 070</b>	<b>6 223 345</b>	<b>8 886 181</b>
Сотиш харажатлари	50	1 273 719	1 822 763	306 063	604 260	1 046 390	1 728 530
Маъмурий харажатлар	60	4 432 775	4 884 782	1 043 884	2 677 640	4 215 200	5 955 310
Бошқа операцион харажатлар	70	3 159 259	2 250 066	185 079	641 170	961 755	1 202 341
Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари	80						
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	90	11745	150747	205 752	540 000	1 850 000	2 960 000
<b>Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)</b>	<b>100</b>	<b>-1 804 168</b>	<b>-2 647 018</b>	<b>-272 664</b>	<b>15 115</b>	<b>95 340</b>	<b>100 092</b>
<b>Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами, шу жумладан:</b>	<b>110</b>	<b>9 443 213</b>	<b>11 292 553</b>	<b>919 802</b>	<b>2 057 973</b>	<b>3 400 895</b>	<b>5 189 181</b>
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120	98266	1477529		400 000	1 000 000	1 700 000
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130	8 000 070	4 611 871	475 467	685 600	1 175 860	1 534 480
Молиявий ижарадан даромадлар	140						
Валюта курси фарқидан даромадлар	150	1 344 877	3 841 384	444 335	972 373	1 225 035	1 954 701
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		1361769				
<b>Молиявий фаолият бўйича харажатлар, шу жумладан:</b>	<b>170</b>	<b>6 578 855</b>	<b>7 702 347</b>	<b>526 433</b>	<b>1 733 335</b>	<b>2 993 502</b>	<b>4 260 925</b>
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180				207000	554000	590256
Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190						
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	6 578 855	6 771 319	526 433	1 526 335	2 439 502	3 670 669
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210		931028				
<b>Умумҳўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)</b>	<b>220</b>	<b>1 060 190</b>	<b>943 188</b>	<b>120 705</b>	<b>339 754</b>	<b>502 733</b>	<b>1 028 348</b>
Фавқулуддаги фойда ва зарарлар	230						
<b>Фойда солигини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)</b>	<b>240</b>	<b>1 060 190</b>	<b>943 188</b>	<b>120 705</b>	<b>339 754</b>	<b>502 733</b>	<b>1 028 348</b>
Фойда солиғи	250	321 806	107 374	23 942	85 709	115 200	190 250
Налог на сверхприбыль	251	4 913	73 876				
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260						
<b>Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)</b>	<b>270</b>	<b>733 471</b>	<b>761 938</b>	<b>96 763</b>	<b>254 045</b>	<b>387 533</b>	<b>838 098</b>

### 3.4. Соф фойдани тақсимаш

(минг сўм)

№	Ўйналишлар	Улуши, %	2022 йилда 2021 йил учун факт	Улуши, %	2023 йилда 2022 йил учун режа	шу жумладан,		
						I чорак	II чорак	III чорак
<b>Соф фойда</b>		<b>100%</b>	<b>733 471,00</b>	<b>100%</b>	<b>761 938,00</b>			<b>761 938,00</b>
1.	Дивиденд учун жами, шу жумладан	75	550 103,25	50	380 969,00			380 969,00
	имтиёзли акцияларга							
	оддий акцияларга, шундан:							380 969,00
	давлат улушига	62,5	343 814,53		238 105,63			238 105,63
2.	Инновацион ривожлантириш фондига							
3.	Захира фондига	25	183 367,75	5	38 096,90			38 096,90
4.	Корхонани ривожлантириш учун							
5.	Бошқа мақсадларга		-	45	342 872,10			342 872,10

### 3.5. Корхона томонидан амалга ошириладиган хомийлик ёрдамлари тўғрисида маълумот

(минг сўм)

№	Ҳомийлик ёрдами оловчи ташкилотлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил режа	шу жумладан,			
						I чорак факт	II чорак	III чорак	IV чорак
<b>Жами</b>		<b>73 700,0</b>	<b>181 959,0</b>	<b>36 000,0</b>	<b>36 000,0</b>	<b>0,0</b>	<b>12 000,0</b>	<b>12 000,0</b>	<b>12 000,0</b>
1	Президент ва Ҳукумат қарорларига асосан								
2	Президент Администрацияси ва Ҳукумат топшириқларига асосан								
3	Бошқа асосларга кўра	73 700,0	181 959,0	36 000,0	36 000,0	0,0	12 000,0	12 000,0	12 000,0

### 3.6. Давлат бюджетига тўловлар

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	2022 йил	2023 йил (режа)	фарқи		жумладан:			
			(+/-)	%	I-чорак	II-чорак	III-чорак	йиллик
<b>Жами солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар, шу жумладан</b>	<b>1 378 974,0</b>	<b>5 554 128,0</b>	<b>4 175 154,0</b>	<b>402,8</b>	<b>627 750,0</b>	<b>2 565 451,0</b>	<b>4 875 270,0</b>	<b>5 554 128,0</b>
Даромад солиғи	98 538,0	190 250,0	91 712,0	193,1	23 942,0	85 709,0	115 200,0	190 250,0
ҚҚС	534 020,0	3 757 434,0	3 223 414,0	703,6	202 197,0	1 676 520,0	3 555 237,0	3 757 434,0
Акциз	-	-	-	-	-	-	-	-
ЯИТ	296 245,0	799 268,0	503 023,0	269,8	199 817,0	399 634,0	599 451,0	799 268,0
Минерал ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ	-	-	-	-	-	-	-	-
Бошқа (бошқа барча солиқлар)	450 171,0	807 176,0	357 005,0	179,3	201 794,0	403 588,0	605 382,0	807 176,0

## **IV. “Ўзсаноатэкспорт” АЖнинг 2023 йил ва яқин 5 йилга мўлжалланган стратегик ривожланиш РЕЖАСИ**

- 4.1. Ташкилий ишлар, корпоратив бошқарув фаолияти.
- 4.2. Тизимли асосда таҳлилий ва маркетинг ишлари ва унинг натижалари асосида тегишли хулосалар/тавсияларни тақдим этиш.
- 4.3. “Ўзавтосаноат” АК маҳсулотларини экспорт қилиш.
- 4.4. “Ўзтўқимачиликсаноат” АЖ, “Ўзқирилишматериаллари” АЖ, “Ўзфармацевтикасаноат” АЖ, “Ўзэлтехсаноат” АЖ корхоналари ва бошқа саноат корхоналари тармоқлари таркибига кирувчи корхоналарнинг ва ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларини экспорт қилиш.
- 4.5. Бошқа саноат тузилмалари корхоналари, шу жумладан КБ ва ХТ корхоналари маҳсулотларини экспорт қилиш.
- 4.6. “Ўзсаноатэкспорт” АЖ билан боғлиқ бўлган “Йўл харитаси” ҳаракат режасида назарда тутилган келишувларни ва чора-тадбирларни амалга ошириш.
- 4.7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш.
- 4.8. Савдо ҳамкорлигини кенгайтириш.
- 4.9. Хорижда савдо уйлариининг ишини самарали ташкил этиш.
- 4.10. Импорт ишлари (хусусан, вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектларга товарлар, ишлар ва хизматлар, шунингдек ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш учун реконструкция қилиш ва асбоб-ускуналар импортида ёрдам кўрсатиш).
- 4.11. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини экспорт қилишда ҳуқуқий ёрдам ва юридик масалаларни ҳал қилиш.

### **4.1. Ташкилий ишлар, корпоратив бошқарув фаолияти**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида” ги қарорини ижросини таъминлаш ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва давлат улуши бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги низом талабларини бажариш мақсадида компания ва ижро этувчи органнинг асосий кўрсаткичлари ҳар чоракда ва йил якуни бўйича мунтазам мониторингини олиб бориш лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида тасдиқланган корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури тамойиллари, талаблари ва тавсияларига риоя этиш.

3. Жамиятнинг бошқарув ходимларини корпоратив бошқарув, менежмент ва маркетингнинг замонавий усуллари ва тамойиллари, ахборот-коммуникация технологияларига эгаллик қилиш ва уларни компания бошқарув тизимида қўллаш бўйича ўқитиш.

4. Корпоратив бошқарув соҳасида халқаро стандартлар даражасида компания ходимларининг доимий малакасини оширишга кўмаклашиш.

5. Акциядорларга тақдим этилаётган ахборотнинг сифати, ҳажми, самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш.

6. Жамиятнинг “�зкимёсаноат” АЖ таркиги кирувчи корхоналари олдидаги қарздорликни сўндириш жадвалини реструктуризация қилиш йўли билан 2 йил муддатга узайтириш чораларини кўриш.

7. Жамиятнинг республика ҳудудларида ва ҳорижий давлатларда ташкил этилган ва самарадорлиги паст бўлган корхоналардаги ўз улушларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш чораларини кўриш.

8. 2023 йил учун тасдиқланган Бизнес-режага мувофиқ белгиланган экспорт кўрсаткичларини бажариш. Шунингдек, компаниянинг барқарор ишлаши учун 22 338,4 млн. долларлик экспорт ҳажмини бажариш учун барча зарур чора тadbирларни амалга ошириш.

9. Жамият бошқарувида самарадорлик ва шаффофликни ҳар томонлама такомиллаштириш.

10. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва жамиятга зарар етказилган ҳолларда жавобгарлик масалаларида тартибга солиш.

11. Дивидендларни тўлашда акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаш.

#### **4.2. Таҳлилий ва маркетинг ишлари ва унинг натижалари асосида тизимли асосда тегишли хулосалар/тавсиялар бериш**

1. Айрим мамлакатлар ва жаҳон иқтисодиётига, шунингдек товарлар ва хизматлар учун жаҳон бозорларининг нарх ҳолатига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган фундаментал ва бошқа омилларни ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш.

2. Жамиятнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳаллий корхоналар маҳсулотларини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш мақсадида маркетинг тadbирлари ўтказиш ва ички бозорда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ўрганиш.

3. Тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва машинасозлик маҳсулотлари, қурилиш материаллари саноати, автомобилсозлик, фармацевтика, электротехника ва бошқа маҳсулотлар (кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик маҳсулотлари) бозор шароитларининг ҳолати ва истиқболларини ўрганиш, таҳлил қилиш, уларга талаб ва таклифни ўрганиш, кейинчалик жамият раҳбариятига ахборот тақдим этиш.

4. Тижорат таклифлари ва бошқа ахборот манбалари орқали шартномаларни танлов асосида ишлаб чиқиш.

5. Жамият брендини дунёга машҳур нуфузли ташкилотларда ихтисослашган нашрларда, интернетда тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш.

6. Маҳаллий маҳсулотларнинг нархи, тури (кўриниши), етказиб бериш шартлари ва бошқа ўзига хос хусусиятлари каби параметрларни кўрсатадиган, шу жумладан кичик ва хусусий бизнес маҳсулотларини Alibaba.com, All.biz, Amazon.com, Tovar.uz, Glotr.uz, Flagma.uz, Prom.uz ва бошқа савдо майдончаларида жойлаштириш.

7. Жаҳон бозорларидаги ҳақиқий вазият билан танишиш мақсадида хорижий иш сафарларини ташкил этиш ва халқаро кўргазмаларда иштирок этиш.

8. Бизнес делегацияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, уларнинг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган халқаро саноат кўргазмалари ва ярмаркаларида иштирок этишига кўмаклашиш, қўшма бизнес-форумлар, кооперацион биржалар ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

9. Республика ҳудудларида компаниянинг таниқлилигини ошириш.

10. Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда экспортни рағбатлантириш Агентлиги ва унинг ҳудудлардаги таркибий бўлинмалари билан экспорт ҳажми ва экспорт географиясини ошириш бўйича ишларни давом эттириш.

11. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари ва савдо-иқтисодий маслаҳатчилари билан ишлашни ташкил этиш.

#### **4.3. “Ўзавтосаноат” АЖ маҳсулотларини экспорт қилиш**

1. 2023 йилда “Ўзавтосаноат” АК корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникалари экспорти ҳажмини жами 10,1 млн. долларга етказиш.

2. Юқори ва Олий даражадаги ташрифлар доирасида тасдиқланган “Йўл харита”лари ижросини таъминлаш.

**4.4. “Ўзтўқимачиликсаноат” АЖ, “Ўзқирилишматериаллари” АЖ, “Ўзфармацевтикасаноат” АЖ, “Ўзэлтехсаноат” АЖ корхоналари ва бошқа саноат корхоналари тармоқлари таркибига кирувчи корхоналарнинг ва ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларини экспорт қилиш**

1. Ўзбекистон Республикаси енгил саноат корхоналари маҳсулотлари экспортини ошириш, харидорларни қидириш, етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш, харидорлар билан шартномалар тузиш, тўлов, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича ишларни амалга ошириш.

2. 2023 йил учун Бизнес-режада “Ўзтўқимачиликсаноат” АЖ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорти кўрсаткичларни бажариш бўйича зарур бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш мақсадида республикада ишлаб чиқарилаётган енгил саноат маҳсулотларини чуқур ўрганиб чиқиш.

3. “Ўзтўқимачиликсаноат” АЖ, “Ўзқирилишматериаллари” АЖ, “Ўзфармацевтикасаноат” АЖ, “Ўзэлтехсаноат” АЖ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспорт ҳажмини ошириш.

4. МДХ давлатлари, Осиё ва бошқа мамлакатлар бозорларида потенциал шерикларни қидириш.

**4.5. Бошқа саноат тузилмалари, шу жумладан КБ ва ХТ корхоналари маҳсулотларини экспорт қилиш**

1. Корхоналар маълумотлар базасини юритиш, маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда интернетда жойлаштириш ва янгилаш, потенциал харидорларни излаш (жамият ходимларини халқаро кўргазмалар, конференциялар ва турли тадбирларда иштирок этиши, янги компаниялар ва потенциал харидорлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, маҳаллий маҳсулотларни реклама қилиш учун хорижий хизмат сафарларини ташкил этиш форматада (Б2Б), пуллик халқаро электрон савдо майдончаларида жамият ва маҳаллий

ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари тўғрисида маълумотларни жойлаштириш).

2. Потенциал ҳамкорларни топиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кўпайтириш мақсадида саноат тузилмалари маҳсулотларини кўшни мамлакатлар МДХ, Осиё, Европа бозорларига экспорт қилиш тажрибасига асосланган ҳолда ўрганишни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш.

3. Экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини янада ошириш мақсадида ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш. Хорижий компаниялар билан узоқ муддатли ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш, шунингдек бевосита маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар билан алоқалар ўрнатиш бўйича ишларни амалга ошириш.

4. Юқори қўшимча қийматга эга товарлар экспортини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш. Хорижий ҳамкор фирмаларга воситачилик хизматларини кўрсатиш.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортини рағбатлантириш.

6. Фермер ва деҳқон хўжаликлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун ўзаро манфаатли ва қулай ҳисоб-китоб механизмларини излаш ва аниқлаш, бунда маблағларни фермер хўжаликларининг пластик карточкаларига ва нақд пул тўловларини амалга ошириш имкониятини истисно этмайди.

7. Юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширишда компания ҳудудий даражадаги ташкилотларнинг маҳсулотларини, шу жумладан КБ ва ХТ субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 2023 йилда жами 2 038,4 млн. долларга етказиш.

**4.6. Олий ва юқори даражадаги расмий ташрифлар доирасида келишув ва чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тасдиқланган “Йўл харита”ларининг жамиятга тегишли қисмини бажарилиши**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий ташрифлари ва хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш доирасида ҳукумат делегацияларининг олий даражадаги учрашувлари чоғида қабул қилинган “йўл хариталари”ни “Ўзсаноатэкспорт” АЖга тегишли қисмини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш.

2. Доимий равишда маркетинг тадқиқотларини ошириш орқали ҳамкор мамлакатлар билан маҳсулотлар экспорти номенклатурасини кенгайтириш ва диверсификация қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. “Йўл хариталари”га мувофиқ экспорт шартномаларини тузиш.

**4.7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш**

1. Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг хорижий шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатишга кўмаклашиш.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига зарур бўлган мини-технологиялар ва ускуналарни топиш ва сотиб олишда кўмаклашиш.

3. Экспорт-импорт операциялари амалга оширилишида миллий ва ҳамкор давлатлар қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда шартномалар тузишда кўмаклашиш соҳасида консалтинг хизматларини амалга ошириш.

4. Халқаро сифат стандартларини амалга оширишда, экспорт учун зарур бўлган сертификатларни олишда, шу жумладан халқаро сертификатларни олишда ёрдам бериш (HASP, Global Gap ва бошқалар).

5. Логистика ва юк ташишда амалий ёрдам кўрсатиш.

6. Ташқи бозорларнинг талаблари ва конъюнктураси, маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш йўллари, шу жумладан тақдимот, қадоқлаш, маркалаш, ёрлиқ, сифат стандартларига қўйиладиган талаблар масалалари тўғрисида маълумот, ташқи маслаҳатчиларни тақдим этиш.

7. Жамиятни экспорт олди молиялаштириш механизмларига, фьючерс шартларига асосланган шартномаларга, шунингдек толлинг операцияларини амалга оширишга фаол жалб қилиш.

8. Маҳаллий компанияларнинг халқаро кўргазмаларда иштирокини ташкил этиш ва молиялаштиришга кўмаклашиш, маҳаллий компанияларнинг чет элдаги маҳсулотлари тўғрисида маълумот тарқатишда ёрдам бериш.

9. Маҳаллий корхоналарнинг экспорт салоҳиятини чеклайдиган кенг кўламли муаммоларини аниқлаш ва таҳлил қилиш мақсадида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш.

10. Давлат ва донорлик дастурлари доирасида маблағ олишда ҳар томонлама ёрдам бериш.

#### **4.8. Савдо ҳамкорликни кенгайтириш**

1. Маҳаллий корхоналарнинг маҳсулотларини импорт қилувчи потенциал ҳамкорларни топиш, шунингдек, ишлаб чиқарувчиларининг салоҳиятини реклама қилиш мақсадида республика ва хорижда ўтказиладиган конференция, ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этиш.

2. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналарида ва ТСК вакиллари билан Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича савдо-иқтисодий маслаҳатчилари билан ишлашни ташкил этиш, Ўзбекистондаги хорижий фирма, компания ва молия институтлари вакиллари билан экспорт салоҳиятини кенгайтириш, сармоявий ҳамкорлик ва географик алоқаларни кенгайтириш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш.

3. Бозорни диверсификация қилиш, экспорт географиясини ва маҳсулот турларини кенгайтириш мақсадида маълумотлар базасини юритиш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг янги потенциал харидорларини излаш (Россия, АҚШ, Хитой, Сингапур, Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, МДҲ мамлакатлари, Шарқий Европа, яқин Шарқ, Жануби-Шарқий Осиё, Африка ва латин Америкаси).

4. Халқаро стандартларга мувофиқ юқори қўшимча қийматга эга экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун янги юқори технологик тармоқлар ва технологияларни яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

5. Экспортбоп маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва уларни диверсификация қилиш.

6. Ўзбекистон Республикаси КБ ва ХТ корхоналари маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш масалаларини ишлаб чиқиш. Экспорт-импорт операцияларини ишлаб чиқишда нархларнинг бозор таҳлилини ўтказиш.

#### **4.9. Хорижда савдо уйлариининг фаолиятини самарали ташкил этиш**

1. Ҳозирги ва келажакдаги бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда хориждаги МЧЖ “Overseas PTE” (Сингапур), “Uzfertex Fzc” (БАА), МЧЖ “Вира Зарин Мандегар” (Эрон) и МЧЖ “Uzaf Trading Company” (Афғонистон) савдо уйлари томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун самарали савдо тизимини яратиш.

2. Туркменистон ва Ўзбекистонда янги ташкил этилган савдо уйлари фаолиятини самарали ташкил этиш.

3. Потенциал мижозларни қидириш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилари ва кичик бизнес субъектларининг имкониятлари ва маҳсулотларига бўлган талаби тўғрисида тўлиқ маълумот олиш.

4. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, КБ ва ХТ субъектларининг доимий кўргазма залини ташкил этиш орқали ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулот турларини диверсификация қилиш ва маҳсулотларни кенг намойиш этиш.

5. Таклиф этилаётган хизмат турларини такомиллаштириш ва товарларни узлуксиз ва сифатли етказиб беришни таъминлаш орқали савдо уйлари жойлашган давлатларда ўзбек товарлари улушини сақлаш ва кўпайтириш.

6. Реклама ва ахборот компанияларини истеъмолчиларнинг кенг доирасини ўзбек маҳсулоти билан таништириш мақсадида оммавий ахборот воситалари, телевидения, интернет каби ташкилотларида ўтказиш.

7. Ўзбекистон ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларини кенг сотиш учун давлат органларининг тендерларида иштирок этиш шунингдек давлат, хусусий ва бошқа ташкилотлар буюртмаларини олиш.

8. Тижорат музокараларини ўтказиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, КБ ва ХТ субъектлари билан олдиндан тўлов ва консигнация шартлари бўйича экспорт шартномаларини тузиш, ташқи бозорларга маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини назорат қилишни таъминлаш.

#### **4.10. Импорт бўйича ишлар**

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси шунингдек, давлат идора ва корхоналарининг давлат дастурида назарда тутилган товарларни олиб кириш бўйича аризаларини камида 6 281,4 млн. доллар миқдорида ижро этиш.

#### **4.11. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини экспорт қилишда ҳуқуқий ёрдам ва юридик масалаларни ҳал қилиш**

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар (экспорт ва импорт) йўналишига жалб қилиш мақсадида Жамият томонидан ҳуқуқий ёрдам бериш мақсадида, экспорт импорт контрактларини, шу билан бирга комиссия шартномалари республикада амал қилиб келинаётган қонунчилик талаблари билан тузилишида амалий ёрдам кўрсатиш.

### **V. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)**

Ушу бўлимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015

йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги 207-сон қарори билан тасдиқланган низоми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775-сон қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Жамият ижроия органи фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари режалари белгиланган.

Жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун иккита кўрсаткич гуруҳидан фойдаланилади, булар асосий ва кўшимча СМК кўрсаткичларидир.

Шу муносабат билан, “Жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги Низомга асосан 2022 йил учун асосий ва кўшимча СМКларнинг прогноз қийматлари ишлаб чиқилган бўлиб, Жамиятнинг Ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат активлари бошқариш агентлигининг 2022 йил 31 июндаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган.

Жамиятнинг 2022 йил молиявий-иқтисодий фаолият натижаларига кўра самарадорликнинг асосий кўрсаткичи 226,79%, кўшимча кўрсаткичи эса - 643,65% ва интеграл самарадорлик коэффициенти - 435,22% ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган" акциядорлик жамиятлари ва давлат улушига эга бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ИСК 435,22 фоизи “**юқори**” деб баҳоланади.

Юқорида келтирилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари талабларидан ҳамда 2022 йил ва 2023 йилнинг I чораги натижаларига таянган ҳолда Жамиятнинг 2023 йил учун Самарадорликнинг асосий ва кўшимча кўрсаткичлари режалари 1-2 иловага асосан ишлаб чиқилди.

### **Бошқарув аъзоларини мукофорлашнинг прогноз кўрсаткичлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли ва 2020 йил 9 декабрдаги 775-сон қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда ижро органи фаолияти юқори баҳоланган тақдирда, ижро органи аъзоларига Жамиятнинг йил якунлари бўйича олинган соф фойдасининг 5 (беш) фозигача бўлган миқдорда бир мартталик мукофот пуллари, юқори турувчи орган қарорига асосан тўланиши мумкин.

Бундан ташқари “Жамиятнинг меҳнатга ҳақ тўлаш Низоми”га асосан Бошқарув аъзолари Ўзбекистон Республикасининг давлат байрамлари шарафига бериладиган мукофот пуллари меҳнат жамоаси билан тенг миқдорда олишга ҳақли.

### 5.1. «Ўзсаноатэкспорт» АЖ фаолиятининг 2023 йилга мўлжалланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларининг улуши ва прогноз кўрсаткичлари

№	Индекс	Улуши		Прогноз (мақсадли) қиймати				Ҳақиқий қиймати	Бажарилиш фоизи	СМК
		чораклик	йиллик	I	II	III	IV			
	A	B		C				D	E	F=ExB/100
1.	Соф тушум прогнозининг бажарилиши (минг сўм)	15	10	2 123 430,0	39 605 005,0	63 375 505,0	68 937 293,0			
2.	Соф фойда (зарар) прогнозининг бажарилиши (минг сўм)	30	20	96 763,0	254 045,0	387 533,0	838 098,0			
3.	Активлар рентабеллиги (%)	15	10	0,05	0,05	0,05	0,05			
4.	Тўлов қобилияти коэффиценти	10	10	1,25	1,25	1,25	1,25			
5.	Молиявий мустақиллик коэффиценти	10	10	1,0	1,0	1,0	1,0			
6.	Дивиденд ҳисобланиши (минг сўм)		10				380 969,00			
7.	Экспорт параметрларининг бажарилиши (белгиланган топшириққа нисбатан, фоизда)	20	20	1 338	6 838	15 638	22 338			
8.	Акциядорларнинг инвестициясининг рентабеллиги (TSR — Total Shareholders Return)		10				76,2			
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>100</b>	<b>100</b>							

## 5.2. «Ўзсаноатэкспорт» АЖ фаолиятининг 2023 йилга мўлжалланган кўшимча самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини улуши ва прогноз кўрсаткичлари

№	Индекс	Бирлик	Улуши	Прогноз (мақсадли) қиймати				Ҳақиқий қиймати	Бажарилиш фоизи	Эслатма
				I	II	III	IV			
	A		B	C				D	E	F=EхB/100
1	Абсолют ликвидлик коэффициенти		25	0,2	0,2	0,2	0,2			
2	Кредитор қарздорликнинг кунлик айланмаси	кун	3	90,0	181,0	273,0	365,0			
3	Дебитор қарздорликнинг кунлик айланмаси	кун	3	90,0	181,0	273,0	365,0			
4	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти		4	0,68	0,43	0,38	0,34			
5	Меҳнат унумдорлиги	минг сўм	40	57 390	1 070 406	1 712 851	1 863 170			
6	Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти									
7	Фонд қайтими	минг сўм	15	5,33	100,59	162,90	181,72			
8	Ходимларнинг кўнимсизлиги коэффициенти		10	1	1	1	1			
	<b>ЖАМИ:</b>		<b>100</b>							

## **VI. Кузатув кенгаши аъзоларига 2023 йилда тўланадиган мукофот пулларининг прогноз кўрсаткичлари**

“Жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, Жамият йилига камида бир маротаба мустақил ташкилотни жалб қилган ҳолда корпоратив бошқарув тизими ва компаниянинг молиявий кўрсаткичларини мустақил баҳолайди.

Баҳоловчи хулосасига кўра, Кузатув кенгаши фаолиятининг натижаси қониқарсиз, паст, қониқарли ёки юқори деб ҳисобланиши мумкин.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармониغا мувофиқ тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва мазкур Кодексга амал қилиш бўйича қарор қабул қилинган.

Ушбу Кодексга талабларидан келиб чиққан ҳолда Жамият Уставига, “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги, “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги, “Ички назорат тўғрисида”ги, “Дивидент сиёсати тўғрисида”ги, “Манфаатлар тўқнашуви юз берганда ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида»ги низомларга тегишли ўзгартиришлар киритилди.

**2023 йил учун Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот пулларини қуйидагича белгилаш таклиф этилади:**

Мукофот пули миқдори (Кузатув кенгашининг 1 та аъзосининг 1 календар ойи учун ҳисоби бўйича) қуйидаги тартибда аниқланади:

- агар натижа қониқарсиз деб топилса, мукофот пули ҳисобланмайди ва тўланмайди;

- натижа қониқарли деб топилса, ҳар бир кенгаш аъзосига ойига энг кам ойлик иш ҳақининг (ЭКОИХ) 0,7 бараваридан кўп бўлмаган ставка бўйича мукофот пули ҳисоблаб чиқилади ва тўланади;

- натижа юқори деб эътироф этилса (100% дан ортиқ) - жамият Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзосига йилига энг кам ойлик иш ҳақининг (ЭКОИХ) 20,0 бараваридан кўп бўлмаган ставка бўйича мукофот пули ҳисоблаб чиқилади ва тўланади.

Шу билан бирга, Кузатув кенгаши раисига тўланадиган мукофот пули учун Кузатув кенгаши аъзосига тўланадиган сумманинг 1,2 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда ошириш коэффициенти белгиланади.

Жамият акциядорларининг қарорига асосан тасдиқланган Низомга асосан, қуйидаги асослар бўйича Жамият Кузатув кенгашининг алоҳида аъзолари учун мукофот пули миқдори камайтирилиши мумкин (шу жумладан нолга):

- узрли сабабларсиз йил давомида 50% дан ошмаган миқдорда Кузатув кенгаши мажлисларида иштирок этмаган ҳолда, бунда хизмат сафарлари, меҳнат таътили, касалликлардан ташқари - мукофот пули миқдори 25%га камайд;

- узрли сабабларсиз йил давомида 50% дан ортиқ Кузатув кенгаши мажлисларида иштирок этмаган ҳолда, хизмат сафарлари, меҳнат таътили, касалликлардан ташқари - мукофот пули тўланмайди;

- Кузатов кенгаши йиғилишининг баённомасини кеч имзолаш (ўтказилгандан кейин 10 кундан кечиктирмай) - мукофот пули миқдори 25% га камаяди;

- Кузатов кенгаши қарорлар қабул қилишида моддий маълумотларни яшириш, натижада Жамият молиявий ҳолати ёмонлашиши ёки амалдаги қонунчиликнинг бузилиши мумкин бўлган ҳолларда - мукофот пули тўланмайди;

- Жамият Кузатов кенгашининг алоҳида аъзоларига нисбатан кўрсатилган шикоятлар фактлар билан тасдиқланганда - мукофот пули тўланмайди.

Шу билан бирга, Кузатов кенгашининг мажлислари юзма-юз учрашувлар орқали, шунингдек видеоконференсия ва телефон алоқаси орқали ўтказилиши мумкин.

## **VII. Ижро органи аъзоларини мукофот пулларининг прогноз кўрсаткичлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сонли Фармони 16 бандига асосан, ижро органи аъзоларига ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлардан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли ҳамда “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775-сонли Қарорларга асосан ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими тасдиқланган.

Шу муносабат билан, Жамиятнинг ижро органи аъзоларига 2022 йил якунлари бўйича мукофот пули миқдори (ижро органи 1 та аъзосининг 1 календар оyi учун ҳисоби бўйича) куйидаги тартибда аниқланади:

- агар натижа қониқарсиз деб топилса, мукофот пули ҳисобланмайди ва тўланмайди;

- натижа қониқарли деб топилса, ҳар бир ижро органи аъзосига ойига энг кам ойлик иш ҳақининг (ЭКОИХ) 0,7 бараваридан кўп бўлмаган ставка бўйича мукофот пули ҳисоблаб чиқилади ва тўланади;

- натижа юқори деб эътироф этилса (100% дан ортиқ) - жамият ижро органининг ҳар бир аъзосига йилига энг кам ойлик иш ҳақининг (ЭКОИХ) 18,0 бараваридан кўп бўлмаган ставка бўйича мукофот пули ҳисоблаб чиқилади ва тўланади.

Шу билан бирга, ижро органи раисига тўланадиган мукофот пули учун ижро органи аъзосига тўланадиган сумманинг 1,2 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда ошириш коэффициенти белгиланади.

## VIII. ЖАМИЯТНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИ

Инсон ресурслари сиёсатининг асосий мақсади қуйидаги тизимни яратиш орқали кадрларга инвестициялардан максимал фойда олишдир:

- ҳар бир ходимни Жамиятнинг бизнес-стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишга ундайди;
- натижаларга эришиш даражасини ҳолисона баҳолай олади;
- эришган ютуқлари учун адолатли равишда тақдирлайди ва рағбатлантиради.

“Ўзсаноатэкспорт” АЖ профессионалик, изчил юқори натижаларга эришиш, кадриятларга содиқликни намоён этиш, белгиланган экспорт прогноз параметрларини сўзсиз бажариш, Жамиятда мартаба ўсиши ва кўтарилишининг зарур шarti ва кафолати бўлишини таъминлашга интилади.

“Ўзсаноатэкспорт” АЖ кадрларни бошқариш сиёсати унинг максимал мослашувчанлиги ва нафақат ижтимоий-сиёсий ва ташқи иқтисодий омиллар ўзгаришларига тез мослашиш, балки зарур ўзгаришлар ва янгиликларни фаол бошлаш ва муваффақиятли амалга ошириш қобилиятини ҳам таъминлайди.

“Ўзсаноатэкспорт” АЖ самарали, динамик ва узлуксиз ривожланаётган Жамиятни барпо этиш мақсадида қуйидаги йўналишларда иш олиб боради:

- корпоратив маданият, корпоратив бренд ва Жамият имижини мамлакат ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- Жамиятнинг салоҳиятини ривожлантириш;
- кадрлар захирасини шакллантириш;
- ички корпоратив ахборот ва билим алмашиш тизимини, шунингдек, ходимлар таклифларини йиғиш ва ҳисобга олиш тизимини яратиш;
- Жамият ходимларининг “*вертикал*” ва “*горизонтал*” ротациясидан фойдаланиш;
- ходимларга янги кўникмаларни эгаллашда, уларнинг малакасини оширишда ёрдам бериш.

“Ўзсаноатэкспорт” АЖ 2023 йилда меҳнат ва ижро интизомини янада мустаҳкамлаш, якуний натижаларга эришишда Жамиятнинг ҳар бир ходимининг масъулиятини оширишга қаратилган сиёсат олиб боришни режалаштирган.

Ходимларнинг касбий ва интеллектуал савиясини оширишга Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Корпоратив бошқарув таълим маркази, шунингдек, республикадан ташқарида ташкил этилган малака ошириш бўйича халқаро дастурлар томонидан ташкил этиладиган илмий-амалий семинарлар ва ўқув курсларини ташкил этиш ва уларда фаол иштирок этиш орқали эришилади.

Объектив танлаш мезонларини эълон қилиш, унинг натижаларига кўра янги, замонавий фикрлайдиган, юқори малакали кадрларни, шу жумладан раҳбарларни ишга қабул қилиш тартиб-таомилларини тавсифлаган ҳолда бўш иш ўринларига танлов асосидаги низомни ишлаб чиқиш.

Янги пайдо бўладиган бўш иш ўринлари, шу жумладан бошқарув лавозимлари учун номзодларни танлов асосида танлашни ўтказиш.

“Ўзсаноатэкспорт” акциядорлик жамиятининг амалдаги ташкилий тузилмаси қонун ҳужжатлари билан тасдиқланган намунавий тузилмага мувофиқлигини ҳар йили мунтазам равишда баҳолашни ташкил этиш кўзда тутилган.

Ходимларни бошқариш сиёсати халқаро стандартларга жавоб берадиган шаффоф ва тушунарли корпоратив бошқарув тизимига эга бўлган ташкилий жиҳатдан самарали жамият яратишни қўллаб-қувватлайди ва “Ўзсаноатэкспорт” АЖнинг асосий рақобатбардош афзалликларидан бири бўлган кадрлар салоҳиятини максимал даражада ошириш имкониятларини беради.

## IX. ХАТАРЛАР ВА МУАММОЛАР

“Ўзсаноатэкспорт” АЖнинг ушбу бизнес-режада кўзда тутилган 2023 йилги молиявий-иқтисодий кўрсаткичларининг бажарилишига қуйидаги энг муҳим омиллар ва хавфлар таъсир қилиши мумкин:

- дунё бўйлаб давом этаётган коронавирус пандемияси COVID-19;
- иқтисодий ривожланиш суръатларининг жиддий пасайиши ва жаҳон иқтисодиётининг таназзули экспорт қилинадиган маҳсулотларга талабнинг пасайишига олиб келди;
- маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналар маҳсулотларни “Ўзсаноатэкспорт” АЖ орқали экспорт қилишдан бош тортиши;
- жаҳон бозоридаги ноқулай нарх шароитлари туфайли маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулот таннархи ва талабининг пасайиши;
- ишлаб чиқарувчи компаниялар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун комиссия тўловлар миқдоридан ўзгартириш (пастга) ва тузатишлар киритиш;
- ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳсулотни ўз вақтида экспорт қилмаслик;
- мавсумий даврда маълум бир маҳсулотни экспорт қилишни чеклаш ёки тақиқлаш;
- хорижий мамлакатлар божхона сиёсатидаги ўзгаришлар (импорт божлари, қўшимча йиғимлар, тарифлар);
- жаҳон иқтисодиётидаги инқироз ҳодисалари ва натижада самарали талабнинг пасайиши.

Мазкур бизнес-режада кўзда тутилган параметрларнинг бажарилишига таъсир етувчи юқоридаги омиллар ва хавфларни ҳисобга олган ҳолда “Ўзсаноатэкспорт” АЖ томонидан уларни камайтириш ва олдини олишга қаратилган бир қатор зарур чора-тадбирларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Хусусан, қуйидагилар режалаштирилган:

- маркетинг ишларини фаоллаштириш, унинг фаолиятини бозор шароитлари ва жаҳон бозорининг ривожланиш тенденцияларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишга қаратиш;
- маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналар ва хорижий компаниялар ва истеъмолчи фирмалар билан барқарор ҳамкорликни таъминлаш чораларини кўриш;

- потенциал шериклар билан алоқаларни ўрнатиш ва улардан энг юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишда фойдаланиш учун Жамиятнинг чет элдаги савдо уйлари имкониятларидан самарали фойдаланиш, янги савдо уйлари очиш;
- маҳсулотларни бевосита истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш бўйича тўпланган тажрибалардан кенг фойдаланиш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришлари учун экспортдан олдин молиялаштириш амалиётини қўллаш;
- ишлаб чиқариш корхоналарига товарлар сифати ва халқаро бозорларда амалдаги стандартларга қўйиладиган талабларни қондиришда консалтинг ёрдамидан кўрсатиш;
- қисқа ва узоқ муддатли буюртмалар портфелини шакллантириш ва ҳар томонлама кенгайтириш;
- экспорт ҳажмида юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар улушини ошириш;
- маҳсулотлар экспорти номенклатураси ва географиясини кенгайтириш;
- банк, суғурта ва рискларни бошқаришнинг бошқа чораларини қўллаган ҳолда ўзаро ҳисоб-китобларнинг илғор усуллари кенг қўллаш.

## **Х. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ (АКТ) НИ РИВОЖЛАНТИРИШ СИЁСАТИ**

2023-йилда Жамият ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш ва ривожлантириш ҳолатини яхшилаш, компьютер техникасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва электрон ҳужжат айланиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўришни режалаштирмоқда.